
"Обод қишлоқ" дастури - Тошҳовуз МФЙ

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, қишлоқлар аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишлар доирасида "Обод қишлоқ" дастурининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Унинг ижроси таъминланиши натижасида ичимлик суви таъминоти яхшиланяпти, кўчалар шағаллаштирилиб, асфальт қилиняпти, электр таянчлари замонавийларига алмаштирилиб, ТП ўрнатиляпти. Туман ҳокими ўринбосарлари М. Ҳатамов, З. Тешабоева маҳаллада бўлишиб, фаоллар билан суҳбатлашдилар. --Ҳукуматимиз томонидан „ Обод маҳалла" дастури учун жуда катта маблағ сарфланяпти,- деди М.Ҳатамов.--Илгари бундай бўлмаган. Шундай экан, маҳалла аҳлини бу ишларда фаол бўлишга чақирамиз. Кўп нарса керак эмас, хонадони деворларини оқлаб, дарахтларга шакл бериб, ариқларни тозалаб қўйса бас. Ана ўшанда обод маҳалла иши кўзга кўринади. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бежизга айтилмаган-ку!

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

2021-08-12 15:59:54